4.000.000 ТОННА!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 225 (3453). | Чоршанба, 16 ноябрь 1966 йил. | Баҳоси 2 тийин.

БОЛГАРИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ IX СЪЕЗДИ

СОФИЯ, 15 ноябрь. ТАСС мухбирлари Д. БОЧАРОВ билан Н. КОЧЕШКОВ хабар беришади:

Болгария Коммунистик партияси IX съезднинг бугунги эртаталабки мажлиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқи билан бошланди. Съезд делегатлари ва меҳмонлар КПСС делегацияси бошлигини ўрнидан туриб гулдурос, давомли қарсаклар билан табриклайдилар.

Бутун залда: «КПСС», «КПСС», «Абадий дўстлик» деган хитоблар янграйди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Жаҳон коммунистик ҳаракатининг энг кекса, чиниққан отрядларидан бири бўлган Болгария Коммунистик партиясининг съездида қатнашаётганлигимиз учун хурсандмиз, — деди Ўртоқ Л. И. Брежнев.

Болгария Коммунистик партияси ўзининг шонли традицияларни давом эттириб ва кўпайтириб, кейинги йилларда янги жамият қуришда бир талай янги ажойиб ғалабаларга эришди. Болгария халқи партия раҳбарлигида ҳозир социализм қуришнинг тарихий вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқда. Болгарияда социалистик қурилишни янада ривожлантириш борасида сизларнинг съездингиз муҳокама қилаётган масалалар ҳам мана шундай албатта, тўлиқ ва муваффақиятли ҳал қилинади, деган ишончингизга биз ҳам қўшиламиз. Талантли болгар халқининг ғайрати, юксак сиёсий ва меҳнат активлиги, болгар халқининг марксчи-ленинчи йўлбошчиси — Болгария Коммунистик партиясининг тажрибаси ва сиёсий етуклиги бунга гаровдир.

Жаҳондаги воқеаларнинг борши, — деди сўнгра Л. И. Брежнев, — халқаро коммунистик ҳаракатнинг ривожланиши барча мамлакатлардаги ишчилар синфи курашининг туб манфаатлари ва асосий тарихий мақсадлари мушараклигини ифодалаб бераётган интернационализм масалаларини тобора биринчи ўринга қўймоқда. Ҳозирги вақтда интернационализм принциплари ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир Компартиянинг ўз йўли тўғрилигини, ўзининг марксизм-ленинизм таълимотига содиқлигини текшириб кўра олишига ёрдам берадиган энг муҳим мезонлардан бири бўлиб турибди деса мубалага қилмаган бўламиз, деб ўйлайман.

Бошқа қардош партиялар сингари Болгария Компартияси ҳам ўзини халқаро Коммунистик ҳаракатнинг ажралмас таркибий қисми, деб ҳисобланаётганлигини амалда кўрсатиб турибди.

Бошқа қардош мамлакатлар билан бирга Болгария Халқ Республикаси жаҳон социализм системасининг муштарак манфаатлари тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Сўнгра Л. И. Брежнев халқ Болгариясининг социализм қуришдаги муваффақиятлари тўғрисида гапириб, бундай деди:

Жаҳон социалистик системаси инсоният тараққиётини белгилаб бераётган асосий факторларнинг бири бўлиб қолган ҳозирги пайтда социалистик мамлакатларнинг Компартиялари социалистик системанинг ривожланиши барча мамлакатлар ва халқлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларини ечишда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам принципларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тўғрисида, социалистик давлатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш тўғрисида, империализмга қарши олиб борилаётган муштарак курашда келишиб ҳаракат қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни ўзлари учун энг муҳим бурч, деб ҳисобламоқда.

Социализм мамлакатлари Ленин васиятларига амал қилиб, халқаро қардошлик ва ўртоқлик намуналарини жаҳонга намойиш қилиб, социалистик интернационализм асосида ўзларининг ҳамкорликларини ривожлантирмоқда. Варшава шартномасида ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашида қатнашаётган социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатлари мана шундай ҳамкорликнинг яхши намунасидир.

Коммунистик ҳаракат ўз табиати жиҳатидан жуда интернационал ҳаракатдир. Барча мамлакатларнинг ишчилар синфини жипслаштириш тўғрисида ва аввало ишчилар синфининг илғор отряди бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизмнинг сиёсатга негизи асосида жипслаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бугун бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб турибди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш учун шарт-шароит тобора етилмоқда, деган фикрни кейинги вақтларда бир қанча қардош партиялар изҳор қилаётганлиги тасодифий эмас.

Биз шу нарсага тўла аминмизки, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги, бу ҳаракат жанговар сафларининг жипслиги тўхтовсиз ўса беради ва мустаҳкамланиб боради. Болгария Коммунистик партияси Георгий Димитров партияси мана шу бирлик учун, гоявий қуролимизнинг пойдеворини ишлаб чиқиш учун ҳар қачон бўлганидек, бугун ҳам энг актив, курашчилар сафида бораётганлигини кўриб ҳаммамиз хурсанд бўлмоқдамиз!

Ҳозирги кунда социалистик мамлакатлар ва бутун дунё прогрессив кучлари Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши курашига бераётган халқаро мадади халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг миллий озодлик ҳаракати билан жанговар иттифоқини кўрсатиб турган энг ёркин намуналаридан биридир.

Социалистик мамлакатларнинг Вьетнамнинг курашига бераётган ёрдами тўғрисида гапирганимизда ҳарбир коммунистнинг қалбига яқин бўлган мана шу катта темаснинг бирлашган қувватини ошириш тўғрисида, социалистик давлатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш тўғрисида, империализмга қарши олиб борилаётган муштарак курашда келишиб ҳаракат қилиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни ўзлари учун энг муҳим бурч, деб ҳисобламоқда.

Социализм мамлакатлари Ленин васиятларига амал қилиб, халқаро қардошлик ва ўртоқлик намуналарини жаҳонга намойиш қилиб, социалистик интернационализм асосида ўзларининг ҳамкорликларини ривожлантирмоқда. Варшава шартномасида ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашида қатнашаётган социалистик давлатларнинг ўзаро муносабатлари мана шундай ҳамкорликнинг яхши намунасидир.

Коммунистик ҳаракат ўз табиати жиҳатидан жуда интернационал ҳаракатдир. Барча мамлакатларнинг ишчилар синфини жипслаштириш тўғрисида ва аввало ишчилар синфининг илғор отряди бўлган халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизмнинг сиёсатга негизи асосида жипслаштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш бугун бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб турибди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг янги халқаро кенгашини чақириш учун шарт-шароит тобора етилмоқда, деган фикрни кейинги вақтларда бир қанча қардош партиялар изҳор қилаётганлиги тасодифий эмас.

Биз шу нарсага тўла аминмизки, халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги, бу ҳаракат жанговар сафларининг жипслиги тўхтовсиз ўса беради ва мустаҳкамланиб боради. Болгария Коммунистик партияси Георгий Димитров партияси мана шу бирлик учун, гоявий қуролимизнинг пойдеворини ишлаб чиқиш учун ҳар қачон бўлганидек, бугун ҳам энг актив, курашчилар сафида бораётганлигини кўриб ҳаммамиз хурсанд бўлмоқдамиз!

Ҳозирги кунда социалистик мамлакатлар ва бутун дунё прогрессив кучлари Вьетнам халқининг Америка агрессорларига қарши курашига бераётган халқаро мадади халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг миллий озодлик ҳаракати билан жанговар иттифоқини кўрсатиб турган энг ёркин намуналаридан биридир.

Социалистик мамлакатларнинг Вьетнамнинг курашига бераётган ёрдами тўғрисида гапирганимизда ҳарбир коммунистнинг қалбига яқин бўлган мана шу катта ишда Хитой Компартиясининг раҳбарлиги ўйнаётган роль тўғрисида индамай кетиб бўлмай алам ва изтироб билан шуни қайд қилишга мажбурмизки, лоақал мана шу битта муҳим масалада Хитой билан ҳаракатларни бирлаштирайлик, деб қардош партиялар сарфлаётган куч ва ғайратни Хитой раҳбарлари қатъият билан рад этмоқдалар.

Ҳозир Хитойда ўтказилаётган бир қанча тадбирлар муштарак ишимизга — социализм ва коммунизм ишига анчагина зарар етказади, албатта. Шу билан бирга биз ҳозирги қийинчиликлар бартараф қилишишга, Хитой халқи ва унинг Коммунистик партияси социалистик ҳамдўстликнинг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипс сафларида яна ўз ўрнини олишига қаттиқ ишонамиз. Сизларни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бошқа қардош партиялар билан бирга бутун социалистик ҳамдўстликнинг ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаб учун ҳамма чораларни кўради.

Болгар коммунистлари билан совет коммунистларининг дўстлиги, Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикаси халқларининг дўстлиги ва бирлиги социалистик мамлакатлар бирдамлигининг мустаҳкам ҳалқасидир.

Ҳамкорлигимиз бир-биримизга фойда бераётганлиги тобора кўпроқ сезилиб турибди. Совет ва болгар халқлари бир-бирларига суянчиқ бўлаётганликларини ҳақиқатан ҳис қилмоқдалар.

Сўнгра КПСС делегациясининг бошлиғи, Болгария Коммунистик партиясининг IX съезди иши Болгарияни ривожлантириш йўлида қўйилган янги катта қадам бўлади, жаҳон социалистик системасини ривожлантиришга қўшилган янги катта ҳисса бўлади, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатини янада жипслаштиришга хизмат қилади, деб тўла ишонч билдиради. Ўртоқ Брежнев социализм, тинчлик, халқининг бахтсаодати учун курашда Болгария коммунистларига чин кўнгилдан янги шонли муваффақиятлар тилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқининг охирида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Болгария Коммунистик партияси IX съездига табригини съезд президиумига топширади.

Съезд қатнашчилари Л. И. Брежнев нутқининг охирини ўрнидан туриб тинглайдилар. Нутқ бир неча бор гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Л. И. Брежнев нировардида қардош Болгария Коммунистик партиясига чуқур ҳурмат белгиси бўлсин деб эсдалик ёдгорлиги Ватанимиз пойтахти — Москвада космос қаҳрамонларига ўрнатилган монумент моделини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан съездга топширади.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ШОНЛИ ЗАФАРИ

Совет Ўзбекистонининг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимлари, барча меҳнаткашлари Ватанга берган ваъдаларининг устидан чиқдилар.

Колхоз ва совхозлар мисли кўрилмаган қисқа муддатларда давлатга тўрт миллион тоннадан ортиқ пахта сотдилар.

Республика пахтачиликнинг бутун тарихи мобайнида биринчи марта ана шундай кўп миқдорда «оқ олтин» йиғиштириб олди, давлатга план-заказда кўзда тутилганидан 300 минг тонна кўп ва 1965 йилнинг шу кунигача бўлганидан 200 минг тонна кўп пахта сотилди.

Республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР планни муддатидан олдин бажардилар ва тўрт миллион тонна пахта етиштириш ва сотиш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Андижон области давлатга 816 минг тонна, шундан 36 минг тоннасини пландан ташқари, Фарғона области 504 минг тонна, шундан 27 минг тоннасини пландан ташқари, Сирдарё области 453 минг тоннадан ортиқ, шундан 5 минг тоннасини пландан ташқари, Самарқанд области 404 минг тонна, шундан 55 минг тоннасини пландан ташқари, Тошкент области 347 минг тонна, шундан 30 минг тоннасини пландан ташқари, Хоразм области 338 минг тонна, шундан 42 минг тоннасини пландан ташқари, Бухоро области 338 минг тонна, шундан 23 минг тоннасини пландан ташқари, Сурхондарё области 309 минг тонна, шундан 19 минг тоннасини пландан ташқари, Қорақалпоғистон АССР 276 минг тонна, шундан 47 минг тоннасини пландан ташқари, Қашқадарё области 216 минг тонна, шундан 18 минг тоннасини пландан ташқари сотди.

84 пахтакор райондан 79 район давлатга пахта сотиш планини тўла ва ошириб бажарди.

Республика меҳнаткашлари ўз қувончларини маълум қилар эканлар, социалистик қишлоқ хўжалигини муттасил юксалтириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирадилар. КПСС Марказий Комитети март (1965 йил), май (1966 йил) Пленумлари ишлаб чиққан конкрет чоралар ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихий XXIII съезди қарорларининг амалга оширилиши қишлоқ меҳнаткашларини янгидан-янги шонли меҳнат зафарларига руҳлантирди ва ажойиб самаралар берди.

Пахтакорларнинг юксак уюшқоқлиги ва меҳнатдаги мислсиз ғайрат-шижоати, ўзларининг Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажариш иштиёқи табиат инжиқликларидан кучли бўлиб чиқди.

Деҳқончилик маданияти оширилганлиги, фан ва илғор тажриба ютуқлари жорий этилганлиги туфайли бу йил 1 миллион 606 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ҳозиргача 25,0 центнердан пахта териб олинди. Республикада бундай ҳосилдорликка биринчи марта эришилди.

Хоразмлик ҳосил усталари биринчиликни ўз қўлларида маҳкам сақлаб келмоқдалар ва ҳозиргача тектар бошига 33,9 центнердан пахта териб олдилар. Андижон областининг донгдор пахтакорлари сал кам 300 минг гектар майдондан ўрта ҳисобда 27,6 центнердан ҳосил олдилар. Сурхондарё областининг деҳқонлари ҳам пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан ана шундай юксак маррага чиқиб олдилар.

Бу йил Янгиариқ, Денов, Шовот, Сариосиё, Урганч, Юкори Чирчиқ, Шаҳрисабз, Тўрткўл, Жиззах, Избоскан, Ленин, Ленинград, Поп ва Нарпай районлари энг мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Юқори Чирчиқ районидаги «Правда», Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли, Жиззах районидаги «Москва», Поп районидаги Ленин номли, Қува районидаги Энгельс номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Хўжаобод районидаги «Ленинград», Избоскан районидаги «Гулистон», Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод», Нарпай районидаги Карл Маркс номли, Бухоро районидаги Охунбобоев номли, Ғиждувон районидаги «Гулистон», Чироқчи районидаги «Коммуна», Шаҳрисабз районидаги Ленин номли, Денов районидаги «8-Март», Жарқўрғон районидаги «Москва», Хазорасп районидаги Нариманов номли, Янгиариқ районидаги Охунбобоев номли, Тўрткўл районидаги Максим Горький номли ва Димитров номли колхозлар ва бошқа бир қанча колхозлар эса, гектар бошига 35-40 центнердан пахта етиштирдилар ва териб олдилар. «Ҳазарбоғ», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Сурхон», «ВЛКСМ XXX йиллиги», «Савай», «Пахтаорол», 8-«Пайариқ», «Нарпай», «Гулбоғ» ва бошқа совхозлар пахтадан мўл ҳосил олишда ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Уч юзга яқин колхоз ва совхоз, яъни республикадаги ҳамма пахтакор хўжаликларнинг деярлик учдан бир қисми ҳозиргача гектар бошига 30 центнердан ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил териб олдилар.

Республиканинг ҳамма областларида ва Қорақалпоғистон АССР да гектар бошига 40 центнердан ошириб пахта олган кўпгина бригада ва зверолар бор.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса пахтани машинада териш мислсиз кенг кулоч ёзди. Машиналарда 1 миллион 315 минг тонна ёки бутун ҳосилнинг учдан бир қисми териб олинди. Бу эса, ўтган йилда машинада терилганидан бир ярим баравар ортиқдир. Теримнинг долзарб пайтларида Ўзбекистоннинг пахта далаларида 24 мингдан ортиқ «зангори кема» ишлаб турди.

Бу йил айрим бригадалар ва хўжаликлар эмас, балки бутун-бутун областлар ва районлар пахта ҳосилининг 50-70 процентини машинада териб олдилар. Кўпгина колхоз ва совхозлар машинада ҳосилнинг 80-90 процентини тердилар.

Сурхондарё областининг механизаторлари машинада 255 минг тоннадан ортиқ ёки тайёрланган пахтанинг 60 процентга яқинини, Тошкент области механизаторлари 180 минг тонна, ёки тайёрланган пахтанинг 53 процентини машинада териб бердилар. Пахтаорол райони хўжаликларида пахтанинг 78 проценти, Оққўрғон, Боёвут ва Киров (Сирдарё области) районларида 72-73 проценти машинада терилди. Бу эса, ҳосил терими муддатларини кескин қисқартиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ҳар бир шпинделли пахта териш машинасининг ўртача мавсум нормаси анча оширилиб, 52,2 тоннага етказилди.

Энг яхши механик-ҳайдовчилар бу кўрсаткичдан 2-3 баравар ва ундан ҳам кўпроқ ўзиб кетдилар. Механик-ҳайдовчилардан А. Ўринов, Х. Алиев, Я. Каримов, И. Хван, Р. Эргашев, Б. Жуманиёзов, М. Эшқулатов, З. Гаматов, Я. Давронов, Ч. Собирова ва бошқа кўпгина азаматлар икки қаторли пахта териш машинасида 150-200 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта терибдилар. Механик-ҳайдовчи М. Жалолов тўрт қаторли «Ўзбекистон» пахта териш машинасида 320 тонна, Х. Полвонов 411 тонна, С. Толмасов 300 тонна, М. Дадажонов 417 тонна пахта терди.

Республика олимлари, конструкторлари, машинасозлик заводларининг инженерлари, техниклари ва ишчилари пахтакорлар билан ҳамкорликда «ХТ-1, 2», «17—ХВ-1,8» маркали ажойиб пахта териш машиналарини, кўрак териш, кўрак чувиш, тўкилган пахтани териш машиналарини ва пахтачилик учун керакли кўпгина бошқа машина-механизмларни яратдилар, уларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар ва қишлоқ хўжалигига жорий этдилар. Серунум «Ўзбекистон» пахта териш машинаси айниқса манзур бўлди. Қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва ўзлаштиришга ишчилар синфи, деҳқонлар ва интеллигенциянинг муносиб намояндалари П. Ф. Глазатов, В. Д. Приходько, В. Д. Тютьков, Г. В. Горобец, М. Н. Марков, Ғ. Ахмедов, В. А. Каттантонуло, А. К. Шорохов, В. А. Тюпко, Ж. Кўчиев, М. Жалолов, М. Дадажонов, Т. Охунова катта меҳнат сарфладилар.

«Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш», «Чирчиқсельмаш», трактор йиғув заводлари ва республикадаги бошқа машинасозлик корхоналари коллективларининг хизмати катта. Улар зилзила сабабли рўй берган жуда катта қийинчиликларга қарамай, топшириқни муваффақиятли уддаладилар ва пахтачилик учун керакли энг янги техниканы ўз вақтида етказиб бердилар.

Республика химиклари дала ҳосилдорлигини ошириш учун кўп иш қилдилар. Чирчиқ, Навоий химия комбинатлари, Самарқанд ва Қўқон суперфосфат, Фарғона азотли ўғитлар заводлари деҳқонларга юз мингдаб тонна қимматли минерал ўғит ва бошқа химикатлар бердилар.

Барча қардош республикаларнинг меҳнаткашлари Ўзбекистон пахтакорларига катта ёрдам кўрсатдилар.

Граждан авиациясининг учувчилари ҳосилни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ва касалликларидан ҳимоя қилиш ҳамда далаларни машина теримига тайёрлаш соҳасида катта меҳнат қилдилар.

Пахта учун кураш чинакам умумхалқ иши бўлиб қолди. Ҳосил йиғим-теримида шаҳарликлар, студентлар ва қишлоқ мактаблари юқори синф ўқувчилари, колхозчилар ва совхоз ишчилари билан бирга актив қатнашдилар.

Пахта тайёрлаш давом этмоқда.

Беш йилликнинг биринчи йилида пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ-хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам муваффақиятларга эришилди. Давлатга дон, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, узум, тухум, жун, пилла сотиш йиллик планлари бажарилди. Шоли, гўшт, сут, тамаки ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилай деб турибди.

Республика колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашга, пахта етиштиришни янада кўпайтиришга қаратмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1966 йилги май Пленуми қарорларига мувофиқ, ирригация ва мелиорацияни ривожлантириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Мирзамўлда, Қарши ва Сурхон — Шеробод даштларида, Марказий Фарғонада ва Амударё этакларида пахтачиликнинг янги йирик районлари барпо этилмоқда, янги йирик сув омборлари, каналлар, насос станциялари қурилмоқда, қўриқ ерларни комплекс ўзлаштириш давом эттирилмоқда.

Эришилган муваффақиятлардан руҳланган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашиб, келгуси йилнинг мўл ҳосилига замин ҳозирлаш ишларини кенг кўламда авж олдириб юборишдилар. Ҳамма жойда ерлар шудгор қилинмоқда ва бошқа кузги-қишки агротехника ва мелиорация тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу эса, республика меҳнаткашларининг коммунизм қуриш ишига қўшган ажойиб ҳиссаси бўлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:** Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси 1966 йил 15 декабрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари. М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил 14 ноябрь.

ВАЪДАСИГА ВАФОДОР ПАХТАЗОР ҚАҲРАМОНЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

ПАХТАЧИЛИК ТАРИХИДА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ 4.000.000 тоннаси ана шундай «оқ олтин» хирмонларидан бунёдга келди! Бу хирмонлар фидокор пахтакорларимизнинг хормай-толмай қилган меҳнатлари орқасида вужудга келди.

ҲОРМАНГ!

Ҳорманг энди азамат пахтакорлар. Тўрт миллионлик «оқ олтин» тоғи яратиб эл-юртни хушнуд этдингиз. Ҳозир каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам тилида мана шу улкан ғалаба. Биз ҳам сизларни катта зафар билан бугун муборакбод этамиз, бағримизга босиб қизғин табриклаймиз.

Эришилган муваффақиятга эл қатори металлургларг ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганликларидан ғоятда хурсандмиз. Биз ёз бўйи районимиздаги хўжаликларга чиқиб бевосита пахта йиғим-теримида иштирок этдик. Бундан ташқари цехларда металл ишлаб чиқаришни тағин ҳам кўпайтирдик. Металлдан кимаралар тайёрланиши ҳаммага аён. Металлсиз «зангори кема»ни ҳам, культиватор ва сеялкаларни ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ой сайин бу қимматбаҳо ҳомашёни кўпдаб тайёрлаб машинасозлик корхоналарига жўнатиб турибмиз.

Корхонамизда металл ишлаб чиқариш ўн ойлик топшириғи муддатидан олдин адо этилди. Печлардан қўшимча кўплаб эритмалар олишга эришмоқдамиз. А. Алиев, А. Зяблев, А. Круглов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг пўлат эритувчилари айниқса қувончли натижаларни қўлга киритишяпти. Улар ҳозир Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш иштиёқида ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёздирмоқдалар. Юбилей йилида сиз ҳам, биз ҳам яна улкан зафарлар қучайлик. Коммунизм моддий-техника базасини тезроқ яратайлик!

Р. ЮСУПОВ.

В. И. Ленин номли Бекобод металлургия заводи мартен цехининг бошлиғи.

МЕХАНИЗАЦИЯ ҚУДРАТИ

Районимиз заршуносларн пахта тайёрлаш давлат планини ортиғи билан бажарнб, элимизга йўл-йўриқ билан рапортн беришди. Шу шодиёна кунда ака-укалар, опа-сингиллар қўлга киритган зафар билан бир-бирларини муборакбод қилар эканлар, улар биринчи навбатда биз механизаторларга миннатдорчилик билдиришяпти. Азаматларга балли, оталарига раҳмат, қаднни уришсин, деган самимий юрак сўзларини эшитямиз. Бу илиқ гаплар кўнглимизни тоғдай кўтаряпти, чарчоғимизни ёзляпти, янада ҳалол меҳнат қилишга илҳомлантряпти.

Тўғри, районимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари она-Ватанга тортиқ қилган 65 минг тонна «оқ олтин»нинг 45 минг тоннасини «зангори кема»лар билан теріб берган кишилар — механизаторлар. Ҳамма ҳоеилви пахта пунктларига қоп-қанорсиз, прицепларда элтиб берган механизаторлардир. Пахта теришда, уни ташишдагина эмас, шу ҳосилни бунёдга келтиргунга қадар ҳам жонкуярлик қилдилар улар, етакчи роль ўйнадилар. Ер ҳам, ҳосил тақдири ҳам ана шу механизаторлар қўлига катта ишонч билан топшириб қўйилди. Улар ернинг қадрига етишди. Ҳафсала билан уруг қадашди, техника жиловини маҳкам ушлаб, ғўза қатор ораларига меҳр билан ишлов беришди. Механизаторлар ҳаракатларга қонун ўт очишди. Ҳар туп ғўзаки машинабоп қилиб ўстиришди.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг муқаддас бурчимиз, шарафли вазифамиз эди. Бу вазифани сидқидилдан ўтадик. Лекин ҳали олдимизда жуда улкан вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитетининг март ва май Пленумлари деҳқонларнинг истиқбол йўлларини жуда равшан кўрсатиб берди. Техника кучидан ҳар қачонгидан ҳам унумли фойдаланиш, янгиликлари, илғорлар тажрибасини, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадилик билан жорий қилишга йўллади. Агротехника тадбирларини ҳартарафлама пухта ўрганиб, деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш, шу йўл билан гектаридан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, етиштирилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш учун курашга даъват этди.

Биз механизаторлар партиямизнинг, халқимизнинг бу ишончини оқламоқ учун техникадан мақсадга мувофиқ фойдаланиш билан бирга деҳқончилик билимимизни ҳам тинмай такомиллаштириб боришимиз лозим. Ахир ерга ўзимиз хўжайнимиз, техника қўлимизда. Шундай бўлгандан кейин тупроқнинг унумдорлигини ошириш ҳам ўзимиз дадил ҳал қила билишимиз керак.

Техника деҳқончиликнинг порлоқ келажаги, эртаги куни бўлгандан кейин уни бошқараётган механизаторларнинг вазифалари ҳам мураккаблашиб боряпти. Баъзан механизаторлардан звено бошлиқлари тайёлаш вақтида колхоз ва совхоз раҳбарлари ўйлашиб қоладилар. «Эплай олармикин, ўзинку, жуда ишчан механизатор, аммо...» деб қолишади. Бу бежиз эмас. Эндиликда механизаторларга — бизга техниканинг тилинигина билиш озлик қиладн. Механизатор яхши ташкилотчи, одамларни эргаштира сладиган раҳбар, агротехник: илмини биладиган агроном, хулоса қилиб айтганда, ҳақиқий деҳқон ҳам бўлиши лозим.

Биз ғалабага эришилган кунда қувонмоқдамиз. Шу қувончли кунларда келажагимизни ҳам яна бир бор ўйлаб олсак яхши бўлади. Бизни етакчи дейишяпти. Бу тўғри, лекин бир соҳадагина — техника соҳасидагина етакчимиз. Агар чигит экишдан тортиб, ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстиришга қадар бўлган омилларни беш қўлдай биладиган омилкор деҳқон ҳам бўлиб олсак, ана шунда чинакам етакчи номига эга бўламиз.

Механизатор дўстлар, қадрдон касбдошлар, келинглар, бундан буён деҳқончилик илмини пухта ўрганишга ҳаракат қилайлик. Барча, агротехника тадбирларини мустақил амалга ошира оладиган, фан ютуқларини, илғорлар тажрибасини пахтачиликда кенг татбиқ этаби лиадиган билимга эга бўлсак, соз бўлади. Ана шундай даврда яшамоқдамиз. Механизатор чинакам ва мукаммал етакчи бўлиб қолсин.

Бу йил бизнинг районда, умуман областимиз ва республикамизда терим машиналари жуда кўп ва унумли ишлади. Шунинг учун ҳам план барвақт бажарилди, пахтамиз 4 миллионга етди. Бунда биз механизаторларнинг муносиб ҳиссаси борлигидан ғоят хурсандмиз.

М. ГАЛИН — «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механизатори, **П. БОБОРАҲИМОВ** — Жамбул номли колхоз механизатори, **И. ПЎЛАТОВ** — Ильич номли колхоз механизатори, **А. КАНИБОЕВ** — «Бўка» совхози механизатори, **А. ЖУРАЕВ** — 2-«Пискент» совхози механизатори.

Бўка райони.

МАШЪАЛЛАР ДАЛАСИДА

Яқингинада бу ерлар бошқача эди. Чаман-чаман пахтазорлар кўзларни қамаштирарди. Терим машиналари, кўчаларни тўлдириб ўтиб бораётган «оқ олтин» карвонлари кишини қувонтирарди. Ўшанда баракали кузнинг энг қайноқ дамлари эди. Энди ўша ерларда ҳайдов тракторларнинг кучли ҳайқириқлари эшитилади. Ер бағрига ботган катта плуглар ерни ағдариб палахса-палахса кўчириб, ёнбошга ётқизиб борарди. Баъзи далалар яяйдоқ, ақалли бир дона гиёҳ ҳам кўринмайди. Кечагина «зангори кема» капитанлари деб ном чиқарган механизатор-звено бошлиқлари бутун кучли ҳайдов-тракторини ҳайқиртириб ҳайдаяпти.

Дарҳақиқат пахтакорларнинг бу янги авлодларига тасанно демай бўладими? Бу йил ҳам оққўрғонликлар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Карвон боши бўлдилар. 71,5 минг тоннаник улкан хирмон кўтардилар. Жами ҳосилнинг 51,5 минг тоннаси машина бункерларидан тўкилди. Бу етиштирилган ҳосилнинг 72 процентини ташкил этади. Районда ўтган йилга нисбатан етиштирилган ҳосил миқдори, ҳар гектар ердан теріб олинган пахта, машина буикерларидан тўкилган «оқ олтин» миқдори ҳам ошди. Пахтакорлар яна олдинга қараб бир қадам ташладилар.

Бу гапларни эшитганда бенхтиёр кўз олдингизда пахтачиликда етакчи куч, ҳал қилувчи сиймо — механизаторлар бирма-бир гавдалана бошлайди. Уларга пахта терими даврида минг бор баракалла деган кишилар, айни кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун замин ҳозирлаётган бу жонкуярларга қараб «отанга раҳмат азаматлар» дейди. Эл-юрт олқишига сазовор бўлган механизаторлар ҳозир ҳам иш бошида, чинакам дала гвардиячилари бўлиб намоён бўлмоқдалар.

«Партия XXII съезди» колхозининг звено бошлиқларидан Нишон Хамроев шундагина пахта теріш машинасини ҳайдаб юрган, у хирмонга 62 тонна пахта теріб тўккан эди. Шу кунларда эса, С-100 маркали кучли ҳайдов тракторини бошқаряпти.

— Колхозимизда ким звено бошлиғи бўлса ўз ерини ўзи шудгор қилади. Шудгорнинг сифатига ўзи жавобгар. Биздаги тартиб шу. 13 та ҳайдов трактори ишлаб турибди. Ҳозиргача 400 гектардан кўпроқ ер шудгор қилинди. 460 гектар ерга суперфосфат сепилди, — деди колхоз раиси Р. Эгамбердиев.

— Ҳосилдорликни ошириш соҳасида қандай тадбирлар кўрилянти?

— Ўтган йилга нисбатан бу йил ҳар гектар ердан 2,1 центнердан кўп ҳосил олдик. Бу планга нисбатан 5 центнердан кўп демакдир. 1962 йилга нисбатан ҳосилдорлик 10 центнер ошди. Лекин бу ҳали бизни тўла қаноатлантирмайди. Бизда ҳосилдорликни оширишдаги энг муҳим омиллардан бири, ёввойи ўтга қарши курашдир. Ёввойи ўт кўп вақт тинкамизни қуритади. Шу кунларда серўт ерлар кучли С—100 трактори билан 35-40 сантиметр чуқурликда шудгор қилиняпти.

Дарҳақиқат, бу колхознинг Ғойиб Эгамназаров, Худойқул Йўлдошев, Тўлаган Ҳамроқулов сингари ҳайдов-тракторида ишлаётган звено бошлиқлари шудгорни сифатли ўтказиш учун курашмоқдалар.

«Озод» колхозида ҳам хирмон-хирмон пахта уйган механик-ҳайдовчилар ерларни теэроқ шудгор қилиб мўл ҳосил учун замин ҳозирлаш ҳаракатидалар. Бу ишда Бакир Алихонов, Исроил Муротов, Бекали Абдирасулов, Хабибулла Исҳоқлар пешқадам. Улар колхознинг барча ерини 20 ноябргача шудгордан чиқариш учун курашмоқдалар.

«Ленинобод» колхози қўшиларидан қолишмаяптилар. 1600 гектар ердан ҳозиргача салкам саккиз юз гектар ер шудгор қилиб қўйилди. 11 та ҳайдов-трактори бетўхтов ишлаб турибти. Бу ерда ҳайдов тракторида ишламаган звено бошлиқлари плугаторлик қилмоқдалар. Колхоз правленеси шудгорда ишлаётган механизаторларга қулай маиший шароит яратган.

Бу колхознинг қир ерларидаги серўт пахта майдонларида ишлаб турган ДТ-54 тракторлар тўрт корпусли эмас, икки корпусли плуг билан ишлаб ерни 35 сантиметр чуқурликда шудгор қилаётир.

Оққўрғон районидаги «Ленинград», «Победа», «Коммунизм», Ленин номли колхозларда ва «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам кузги шудгор жадал давом этаяпти. Шудгор олдидан самолёт билан ерга суперфосфат сепиш ишлари амалга ошириляпти. Ҳозиргача район хўжаликларида 16 минг гектардан кўпроқ ер шудгор қилинди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРАВЕРАМИЗ

Колхозимиз деҳқонларининг қувончи чексиз. Улар йиллик планни шараф билан бажариб, ўлкамиз хирмонига 3200 тоннадан ортиқ «оқ олтин»лари билан салмоқли ҳисса қўшган бўлсалар, яна қувончлиси шуки, ўз хўжаликларини қолоқликдан чиқариб, илғорлар сафига тенглаштириб олдилар.

Илғорлари бизнинг колхозимиз Бекободнинг юқори ҳосилли хўжаликларидан бири эди. Лекин, кейинчалик деҳқончилик маданиятига етарли эътибор бермай қўйилгани, ирригация ва мелиорация ишларининг ёмон аҳволга тушиб қолгани, кадрларни танлаш ва тарбиялашга эътиборсизлик билан қаралгани туфайли ва бошқа сабабларга кўра хўжалигимиз оқсаб қолди, ҳосилдорлик кескин пасайиб кетди. 1963 йилда ҳар гектар ердан бор-йўғи 13 центнердан пахта теріб олинди.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти, мутахассисларимиз, барча меҳнаткашларимиз хўжаликни тезда қолоқликдан чиқаришнинг йўлларини излай бошладилар. Шунда илғорлар тажрибасига мурожаат қилдик. Қолоқликдан чиқишнинг асосий йўли деҳқончилик маданиятини оширишдан иборат эканлигини тушуниб етгач, шу ишга астойдил киришиб кетдик.

Ерларимизнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб кетган, суғориш шохобчаларн тартибсиз бўлиб қолган, техника кучидан кўнгилдагидек фойдаланилмаётган эди. Биз фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасига таяниб, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилай бошладик. Ирригация шохобчалари тартибга келтирилди. Колхозимиз меҳнатни ташкил этишнинг энг афзал усули бўлган звено системасига тўла кўчди. 29 та комплекс механизациялашган звено туздик. Уларга ишнинг кузини биладиган моҳир механизаторларни бошлиқ қилиб қўйдик.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми ерларни мелиорациялашнинг катта программасини белгилаб берди. Кўплар қатори биз ҳам партиямизнинг ана шу соҳадаги кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, бу йил деҳқончилик маданиятини юксалтириш, ерларнинг унумдорлигини оширишнинг зарур тадбирларини амалга оширдик.

Буларнинг ҳаммаси бизни катта ғалабалар сари етаклаб бормоқда. Бу йил пахта тайёрлаш планини ҳар қачонгидан ҳам барвақт бажардик. Ҳосилдорлик кескин ошди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан бутун 1963 йилдаги 13 центнер ўрнига 20 центнердан ошириб хирмон кўтардик. Дастлабки мажбуриятимиз 22 центнер эди, деҳқонларимиз даладаги ҳосилни ҳомчўт қилиб кўргач, ҳосилдорликни камида 24—25 центнерга етказиш юзасидан оширилган мажбурият олдилар.

Илғор комплекс механизациялашган звеноларимиз эришган ва эришаётган ютуқлар ҳаммамизни бехад қувонтирмоқда. Ғ. Муҳамедов, К. Ҳайдаров, Ю. Алиев, А. Ғафуров сингари ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳозирга қадар ҳар гектар ердан 23—24 центнердан «оқ олтин» теріб олинди. Бу звено бошлиқларининг ўзлари шу пайтга қадар машина билан 70—90 тоннадан пахта теришди. Чевар теримчиларимиздан К. Мавлонова, К. Қосимова, О. Зекирова, Х. Эркаева каби ўртоқлар эл хирмонига 8—11 минг килограммдан «оқ олтин»ларини тўкиб, ўз сўзларининг устидан чиқдилар.

Биз бундан буён ҳам деҳқончилик маданиятини юксалтириш йўли билан пахта ҳосилдорлигини кескин оширишга астойдил ҳаракат қиламиз. Бунинг учун кузги-қишки ишларнинг ўз вақтида ўтказилишига, ишнинг сифатига алоҳида эътибор берамиз.

И. ОРТИҚОВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз раиси.

ҲИССАМ

Республикамиз пахтакорларн катта зафар қучдилар. Ватанга 4 миллион тонна пахта етказиб берилди. Бу ҳаммамизни беиҳоя қувонтирмоқда. Мен ҳам эл-юрт олдида берган сўзимнинг устидан чиқдим Мен йиғим-терим бошланмасидан илгари «бу йилги мавсумда 8 минг килограмм пахта тераман» деб ваъда берган эдим. Шу ваъдамга вафо қилдим: шу кунгача хирмонга тўккан пахтам 8000 килограммдан ошиб кетди.

Мамлакатимизга аъло сифатли пахта керак. Мен ва менинг дугоналарим буни жуда яхши тушунамиз. Ана шунинг учун ҳам теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб пахтани ниҳоятда сифатли қилиб, хас-чўп аралаштирмай, чаноғида қолдирмай, ерга тўкиб кетмай теришга астойдил ҳаракат қилдик. Бу ишимиз фақат пахтанинг сифатли бўлишигагина эмас, балки хирмонинг унумли бўлишига ҳам имкон берди.

Ҳозир колхозимизда келгуси йилга тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш ҳайдалиб, шудгор қилиняпти. Бошқа кузги-қишки ишлар амалга оширилмоқда. Биз келгуси йилда ҳам ана шундай муваффақиятга эришиш учун янада ғайрат билан ишлаймиз.

Ш. АБДУЖАББОРОВА,
Оржоникидзе район. «Правда» колхозининг қўпмингкилограммчи теримчиси.

Мана бу суратларда: республикамизнинг 4 миллион тоннасига муносиб ҳисса қўшган областимизнинг илғор пахтакорларидан бир группасини кўриб турибсиз: (чапдан ўнгга) Юқори Чирчиқдаги «Ўзбекистон» колхозининг механизатор-звено бошлиғи В. Пак, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг қўпмингкилограммчи теримчиси Х. Рисметова, Янгийўлдаги «Интернационал» колхозининг механизатор-звено бошлиғи К. Унгарбоев, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатор-звено бошлиғи Ф. Миркомилов ўртоқлар. Ўнгдаги суратда: Оққўрғондаги «Октябрь» пахта тайёрлаш пунктида янги «оқ олтин» бунти қад кўтармоқда.

А. Абалян фотолари.

ПАХТАКОР МАДҲИЯСИ

САХИЙ КУЗ

Кел эй, илҳом парисн, қил
табассум,
Табассумга сени ундайди мавсум.
Бу мавсум номидир меҳнат яхуни.
Тўнин хонтахтада нонинг бутуни.
Бу мавсумда саховатпеша деҳқон,
Қуёшни ҳам қилур уйида меҳмон.
Бу мавсумда саодатли сахий куз.
Ясар хирмонларидан ерда юлдуз.
Бу мавсум келтирар деҳқонга
шуҳрат,
Кучига-куч қўшар, қудратга,
қудрат.
Шу куз фаслида хуш бир тонг
отди,
Зафар хуршидининг нурини тотди.
Етиб келди шу дамда катта
карвон,
Ҳашам бирлан суриб зўр даврудаврон.
Бу карвон — республикам
карвони,
Уни бошлаб нелибдир қаҳрамони.
Бу шонли қаҳрамон номи
Зафардир,
(Эшит, илҳом, сенга бир хушхабардир!).

СЎЗ — ЗАФАРГА

Келинг, дўстлар, Зафарга сўз
берайлик,
Унинг гулбоғларидан гул
терайлик...
Нечунки, у Зафарнинг ўзи илҳом,
Узи айлар уни шоирга инъом.
Зафар борки, бугун ижод яшнар...
Кел эй, шоир, сенга бўлсин
зафар ёр,
Зафар шаънига ижод айла
ашъор!
Зафарнинг гулшанида кенг қанот
ёз,
Агар булбул эсанг, гул мадҳини
ёз.
Муборак, эй Зафар, янги
Зафарлар.
Сенга камлик қилур минглаб
асарлар.
Табаррук Ўзбекистон пахтакори,
Муқаддас юртимизнинг ифтихори,
Қилиб меҳнат тинимсиз кеча-
кундуз,
Шу меҳнат нуридан бўлмиш ёруғ
юз.
Бериб ҳар ишда фан-техникага
зўр,
Этибдир туҳфасин оламга манзур.

МАДҲИЯ

Ёзай эй пахтакорим, мадҳиянгни,
Диловар, номдорим, мадҳиянгни,
Дилим Чирчиқ бўлиб ҳар дам,
кўпирсин
Тилим фабрин гудогиден ғапирсин.
Навоий номини тилга олиб соз,
Бўлай аҳли наво бирлан ҳамовоз.
Агар мадҳингни ёзмоққа муяссар —
Бўлолсам, бахтиёр эрдим
муқаррар.
Забардаст қўлларинг ҳеч
нўрмасин дард.
Ушаттинг қанча тилсимларни эй
мард!
Булоқдан ерларингдан пахта
қайнар,
Аташ мумкин ерингни пахта
қайнар.
Келур карвон,
келур карвон фаровон.
Биринчи сафларида Оққўрғон,
Сафида Хоразм чўнг нори
бордир.
Унинг бошида соҳибкори бордир.
Қадимий Бухорою Нуробод —
Пахта хирмонлари тоғлардан
баланд.
Ясанган боғлари олтин пиёла,
Оқар дарёсидан гавҳар шалола.
Шалола кўзларимга нур берди,
Шу қутлов сўзларимга дур берди.

ЧАВАНДОЗЛАР

Чаманга айлади илҳом парвоз,
Унга дуч келди мингларча
чавандоз.
Пўлат отда улар жавлон урарлар.
Олисни кўзлашиб, олга юрарлар.
Чавандозлар билан сухбат қилиб
мен,
Уқидим ишларига мадҳу-таҳсин.
Улар улкан ютуқ дарғаларидир
Уларнинг ҳар бири тенгсиз
баҳодир.
Суриб майдонда журъат бирла
отлар,
Улар боғлашди суръатга
қанотлар...
Улар қўли билан мушкуллар
осон,
Улар файзи билан чўллар
гулистон...
Муборак республика ерларида,
Чаманзорида, дашту-қирларида,
«Оқ олтин»дан шулар тоғлар
яратган,
Киши бахти учун боғлар яратган.
Йигит-қиз бир-бирига ёру дамсоз,
Кураш майдонида ғолиб чавандоз.
Чавандозлар билан бирга
чеварлар,
Далада беллашиб, гавҳар терарлар.
Барингиз, эй ёруғюзлар, яшанглар,
Севимли, нурли юлдузлар,
яшанглар!

ТУЁНА

Катта хирмон элга тўёна бўлди,
Ватан омборига дурдона бўлди.
Азиз юртим, зафар, бўлсин
муборак.
Элимга хушхабар бўлсин муборак.
Зафар қучдинг,
зафар қучдинг,
зафар қуч,
Кучингга ҳам қўшилсин янгидан
куч!

М. ВАСФИЙ.



ЯНГИ, УЛКАН ҒАЛАБА



ҚОЙИЛ

Ҳа, пахтакорларимиз аҳдларига вафо қилдилар. Зафар билан довон ошган пахтакорларимиз яна катта ғалабани қўлга киритдилар. «Оқ олтин»нимиз тўрт миллион тоннага етди. Бу чиндан ҳам катта қаҳрамонлик!

Бу улкан ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилмади, албатта. Инл бўйи қилинган фидокорона меҳнат мана бугун ўз самарасини берди. Шу бугунги шодиёна кунда ишчию-инженер, ўқитувчию-олим— ҳамма-ҳамма фахрланиш ҳиссига тўлиб-тошган. Она-Ватан хазинаси «оқ олтин»га тўлган экан, фахрланмай бўладимн!

Институтимиз турли хил шифобахш дори-дармонлар ишлаб чиқаради. Лекин, пахта йиғимтерими авж олдирилган палладa биз қараб турмадик. Азамат «оқ олтин» соҳибкорлари ҳузурига—ёрдамга шошилдик. Коллективимизнинг «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишда пахтакорларга кўрсатган ёрдами катта бўлди. Шу билан бирга деҳқонларнинг сиҳат-саломатлигидан кўз-қулоқ бўлиб турдик.

Шунинг учун ҳам бугун улкан зафарни эшитиб бошимиз кўкка етди. Меҳнат зафарингиз муборак бўлсин, азиз пахтакорлар!

А. ОБИДОВ,

Тошкентдаги вакцина ва зардоб илмий-текшириш институтининг директори, медицина фанлари доктори.

● Бу йил Ўрта Чирчиқдаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари катта меҳнат ютуқларини қўлга киритдилар. Инлик план аллақачон бажарилган бўлса ҳам, бу ерда йиғимтерим ҳамон қизғин давом эттирилаяпти. Колхозчилар пландан ташқари 500 тонна пахта сотишга аҳд қилганлар. Юқоридаги суратда: колхозкинг илғор механизатори ўртоқ Қ. Адашбоевни кўриб турибсиз. У бу йилги мавсумда ўз принципли трактори билан даладан пунктга қарийб 200 тонна пахта ташиб берди. Пастдаги суратда: колхознинг кўсак чувиш пунктларидан бирида иш пайтди.

● Республикамиз пахтакорларининг бугунги улкан ғалабасида шонли дала гвардиячиларининг катта улуши бор. Улар «зангори кема»лари моҳирлик билан бошқариб, етиштирилган ҳосилни қисқа фурсат ичида йиғиб-териб олишда катта хизмат қилдилар. Мана бу суратда группа бўлиб пахта тераётган «зангори кема»лари кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Катта йўлда

ОЧЕРК

ЕНГИЛ машина катта йўлдан елдай учиб боради.

Одатда олис манзилни кўзлаган йўлчининг йўл танобини тортишдан бошқа ташвиши бўлмайди: оёқлари қабарганини ҳам, жазирама иссиқни-ю, аёзли совуқни ҳам писанд қилмайди, бутун вужудини кўз-қулоққа айлантириб, уфқда эласэлас кўринаётган оҳанграбо маррага тикилганича гоҳ елиб, гоҳ одимлаб боради. Унинг бирданбир тилаги — ўша манзилга тезроқ етиб олиш.

Тиришқоқ албатта манзилга етади! Ўша пайт у ич-ичидан қувонади. Шу ондагина у олис йўл босиб келганини, ниҳоятда ҳориб-чарчаганини ҳис қилади. Пўқ, у ҳатто ҳис қилиб улгурмасидан киприклари беихтиёр чаплашиб, ҳорғинлик уни уйқу қароргоҳига етаклайди.

Холтурсун шу топда худди ўша йўлчига ўхшарди. Енгил машина кенг, равон йўлдан қилт этмай чопади. Раис йигитнинг дили равшан, аммо сўнгги уч-тўрт кун ичида шу қадар толиққанки, қани энди орадаги масъулият, ор-номус эўр келмаса-да, Холтурсун машинани йўл четига тўхтатиб қўйиб, анави анҳор бўйидаги майсага ўзини таппа ташлаб, бирпасгина ором олса.

Йўқ, у ўз хоҳишига эрк беролмайди ҳозир. Унинг чўнтагида колхоз правленнеси, партия ташкилоти имзолаган рапорт турибди. Холтурсун уни область партия комитетига олиб бораяпти.

Рапорт! Пахта плани, ҳамма планлар бажарилди деган рапорт! Икки минг уч юз ўн гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан йигирма беш центнердан ҳосил йиғиб олингани тўғрисидаги рапорт!

Машина равон йўлдан елган сайин раисни турли хаёллар ўз кўчасида елдириб борарди. План тўлди, ният-орзу ушалди. Ажаб, унинг дили равшан, чеҳраси гулгун бўлиши керак-ку? Нега энди кўнгли ғашланади? Бунинг нимаданлигини шунча ўйласа ҳам билолмаяпти. «Обкомга бораётганим қалай бўларкин? Мана мен планни бажариб қойил қилган кишиман дегандай мақтанчоқлик бўлмасмикин-а?» Дил ғашлиги шундамикин? Ё далада қолган ҳосилни кес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш яна бир оғир машаққатли мавсум бўлишини сезиб тургани учунмикин?..

Қўққисдан Холтурсуннинг юраги зирқираб кетди: «Отамга учрамадим-ку?!» деди у ичида.

Ҳа, чиндан ҳам яхши бўлмабди отасига йўлиқмагани. Бу қутлуғ дамларни ота ҳам ўғли сингари орзиқиб-зориқиб кутмаганмиди?! У ҳам бир маҳаллар Холтурсун каби рапорт олиб жўнарди. Лекин у пайтлар ҳозиргидек октябрь ойида эмас, қишнинг чилласида, ҳатто январь, февраль ойларида насиб бўларди. У пайтларда ҳозиргидек «Волга» машинасида, равон йўллардан эмас, думи тугилган отларда, шалоплатиб лой кечиб элтиларди рапортлар. У пайтларда Холтурсун бола эди. Буни унинг отаси Пўлат ака мақтаниб эмас, ҳозирги даврнинг садағаси бўлиб, қувониб ёдга олади ҳамиша.

...Ўшанда — Холтурсун раисликка сайланган куни отаси ҳузурига ийманибгина кириб келганди. Дастурхон устида Пўлат ака анчагача ўғлининг оғзини пойлаб ўтирганди. У индамагач, салмоқлаб гап бошлаганди:

— Ҳа-а, ўғлим, осон бўлмайди сенга. Лекин халқ қайнаган қозонда қайнаганга не етсин! Аммо бир гапим эсингдан чиқмасин: эл раҳмини есанг, асло кам бўлмайсан...

Ота бу гапни ўз тажрибасидан андоза олиб айтганди. У ўттиз бешинчи йилдан қирқ саккизинчи йилгача узлуксиз раис бўлиб ишлади. Шу давр ичида у бирон йил ҳам ноумид қолмади. Ҳатто уруш йилларида ҳам ҳарбий топшириқлар бекамиқўст адо этиб турилди.

Ота гоҳо у пайтдаги раислик билан ҳозиргисини таққослаб қолади:

— Ҳозир ҳисоб-китоб замони. Илгари чала савод ҳолимизча раисликни эпдайверганмиз. Нимага десанг, у даврларда нима қилишни юқоридан айтиб туришарди. «Бугун ер ҳайда» дерди — ер етилса-етилмаса ҳайдардик; «чопиқ қил» дерди — ҳеч нарсага қарамай чопаверардик; «пахтани тер» деса терардик. «Ўзбошимчалик» қилишга йўл қўйилмасди. Энди унақамас, ўғлим. Ўз ақлинг, ўз идрокинг, ўз билмининг билан иш кўрасан. Ким тадбиркор бўлса — ўшанинг омади келади ҳозир. Бу — катта гап, ўғлим...

Уни яна хаёллар ўз оғушига олди.

План тўлди. Сал кундан кейин дам олади. Ҳаққи бор, ҳа. Правлениедан сўрайди-да, умр йўлдоши Рихсихон билан саёҳат қилгани, дам олгани жўнайди.

Афтидан Холтурсун хаёл аралаш тасаввур қилаётган ўша гўзал шаҳарларни кўрмоқчидай юмуқ кўзларини очди. Машина чиройли-чиройли уйлар ёнидан, кўркам бежирим бинолар орасидан елдек учиб борарди. Холтурсун кўз юмиб яна хаёлга берилмоқчи эди, бироқ рўпарасида соҳкин қишлоқлар-у, пастқам уйлар намоён бўлди. Булар ўзи раислик қилаётган «Ленин йўли» колхозининг Уйшун, Тожиковул, Қўқоновул, Қорақўйли, Дўнговул, Қозоқовул деб аталмиш қишлоқлар.

— Ҳали қиладиган ишларимиз бирам кўпки, — деди у беихтиёр.

Шофер йигит ранга ялт қаради. Унинг кўзлари юмуқлигини кўриб, баранкани тутганича индамай бораверди.

Дарҳақиқат у икки йил орасида колхозда ҳали у қадар катта ўзгаришлар қила олгани йўқ. Бултурнинг ўзида ўн бештагина уй қурилди. Иккита участкада артезиан қудуғи қазилиб, сув чиқарилди. Колхоз қишлоғи марказидан Максим Горький участкаси оралигидаги ўн чақирим йўлга шағал ётқизилди. Қилинган ишларнинг рўйхати асосан шу билан тугайди. Шундай сертармоқ, сердаромад колхоз учун булар жуда кам эканлигини раис яхши тушунади. Лекин ишни бундан эмас, бошқа муҳимроқ ишдан бошлаш керак. Энг аввало, колхоз қишлоқларининг муҳим планини тузиб олиш даркор. Бунингсиз мухтасар уй-жойлар қуриш бефойда. Ёш раис бу масалани колхоз активлари муҳокамасига қўйиб уларнинг маслаҳатини олган. Мана Тошкентдан мутахассислар келишиб, колхознинг бош планини тузишяпти.

Колхоз катта, унинг территорияси беш минг гектар майдонни ташкил этади. Шу сабабли бутун хонадонларни бир посёлкага жойлаштириш хўжаликка фойда бермайди. Шуни эътиборга олиб, бош планда бир нечта посёлка типидаги қишлоқлар барпо қилинмоқчи. Дастлаб Максим Горький, «Ленин йўли», «Ленинобод» участкалари марказларида учта маиший комбинат тиклаш планлаштирилган. Бу маиший комбинат биноларида участка клуби, кутубхона, магазин, нонвойхона, чойхона, сартарашхона сингари аҳолига энг зарур бўлган маиший муассасалар жойлашади. Ана шу маиший комбинат атрофидаги йўл бўйларидан колхозчиларга уй-жой ажратиб берилади.

Бу режалар Холтурсунга ҳечам ором бермаяпти шу кунларда. Қани энди бош план тезроқ бита қолсаю, ўйлаганларини бирин-кетин рўёбга чиқара қолса! Бунинг учун кўпроқ маблағ керак, даромадни кўпайтириш лозим.

Ёш раисниг катта йўлдаги ўйлари энди уни Ўртабўз массиви томон етаклади.

Ўртабўз массиви «Ленин йўли» колхозининг қўриқ участкаси. Бир маҳаллар хўжалик учун киприкдаги сўғалдай малолли жой бўлган Ўртабўз бугун колхозга шундай ҳам асқатиб турибдики, активларнинг ишонгани, умид боғлагани шу жой. Экин майдонини ҳам, унинг ҳосилдорлигини ҳам шу массив ҳисобига кўпайтириш, қўшимча даромад олиш мумкин. Ўртабўз ерлари — сара ерлар, «Сув келтирсанг, тилаган ҳосилингни бераман» деб турган ерлар!

Холтурсун Пўлатов Ўртабўзни суғоришга астойдил бел боғлаяпти. Бургалик сойи остига яна бир қатор қувур қўмилса — бас, қўшимча уч юз гектар ер ўнғайгина экинзорга айланади. Ахир, шундай тоза ерлар ҳосил бераман деб турсаю, уни ўзлаштирмаслик инсофданмас-да. Бу йилнинг ўзида Ўртабўзда сув камчил бўлди, шундай бўлса ҳам ўша жойдаги пахтазорлар чакки ҳосил бермади — йигирма етти центнердан ҳирмон кўтарилди.

«Бургалик сойига қурилаётган қувурни шу яқин орада битказиб олмасак, баҳорда қийналамиз, — дерди Холтурсун. — Шуни битказмагунча ҳеч қаёққа бормайман...». Қизиқ, боярқда дам олишга «ҳақи бор»лигини даъво қилаётган раис тамоман ўзгарди. Бояги ҳорғинлик уни тарк этди, у энди атрофига тетикланиб боқарди.

Машина эса аввалгидек пойтахт сари елиб борарди.

ХОЛТУРСУН областдан қайтиб борганида отаси катта йўл бўйида ўғлининг йўлини пойлаб ўтирарди. Холтурсун анча беридаёқ машинани тўхтатди. Югуриб борди-да, болалардай эркаланиб, ота қучоғига отилди. Пўлат ака ҳаяжондан ўзини босолмасди:

— Табриклайман, ўғлим! — деёлди у фарзандини бағрига босиб.

Бу сўзлар Холтурсунни эзиб турган бояги андишани ювиб кетгандай бўлди. У отаси елкасига бошини қўйганича, шивирлади:

— Қуллуқ, отажон! Панд-насиҳатларингиз ёдимда.

Рустам РАҲМОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози.

СОЛДАТЛАР ТАБРИКЛАЙДИ

Азиз пахтакор дўстлар! Биз шу кеча-кундузда она-Ватанимизнинг узоқ бир чеккасида шон-шуҳратларга бой Совет Армияси сафларида муқаддас бурчимизни ўтаяпмиз. Қалбимиз, дилимиз, фикри-ёдимиз, бутун борлиғимиз ҳамиша киндик қонимиз тўкилган Ўзбекистонга—азиз ва муътабар она юртимизга, сиз марду-майдон «оқ олтин» соҳибкорларига қаратилган.

Бўш вақтларимизда радиодан она диёримизнинг овозини жон қулоғимиз билан тинглаймиз. Кун-кеча радиодан дилларни денгиздай тўлқинлантириб юборувчи ажойиб хушхабар эшитдик: жонажон Ўзбекистонимиз пахтакорларининг она-Ватан омборларига тортиқ қилган «оқ олтин»лари 4 миллион тоннага етибди! Бундан ҳам қувончли хушхабар бўладими.

Республикамиз тарихида биринчи марта ана шундай улкан, тоғлардан ҳам юксак «оқ олтин» хирмони бунёд этилган экан, бугун қисмимиздаги Ўзбекистондан келган жангчи йигитларнинг қувончи шодлиги чексиз. Бу қувонч юртдошларимизнинг маржон-маржон тер тўкиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилиб етиштирган баракали «оқ олтин» хирмонлари бойсиндир. Ниҳоятда суюниб кетганимиздан кўз ўнгимизда осмонўпар «оқ олтин» хирмонлари, манглайида қуёш нури ялтираган, қадоқ қўлли азамат йигитлар, сочи чамбар чавандоз қизлар, ғайратига сиғмай «зангори кема» бошқараётган мард механизаторлар, икки чеккасига лўпин пахтани гул қилиб тақкан, ширмой юзли чевар теримчилар, пахтакор деҳқонларга баҳоли қудрат кўмаклашаётган муъатабар отахон ва онахонларимиз гавдаланишяпти. Бугунги ғалаба кунида биз она-Ватан олдидаги шарафли бурчларини ўтаётган барча фарзандларингиз номидан, шахсан ўз номимиздан сиз марду-майдон пахтакорларни чин кўнгилдан табриклаймиз, бахтингиз пахтангиздай беғубор бўлсин, ҳамиша зафар сизга ёр бўлсин, деймиз!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Зиёд ҲАМРОЕВ,
Н-бўлим жангчилари.

ГВАРДИЯЧИ ҚИЗЛАР

ПОЁНСИЗ пахта далалари. Теримга агрегатлари пайкал ичра худди кемалардек сузиб, «оқ олтинни шимириб кетмоқда. «Зангори кема»ларни моҳирлик билан бошқариб бораётган етти қиз нариги пайкалда ишлаётган йигитларга бўш келмаяпти. Бу оташ қалбли қизлар машинада пахта теришда колхознинг бошқа механизаторларига ўрнак бўлмоқдалар. Бу йиғим-терим авж олган кунлар манзараси.

Хўш, дала юлдузлари деб ном чиқарган, пайкалларни оҳанграбо қўшиқлар билан тўлдираётган бу суворий қизлар ким? Колхоз комсомол ташкилотининг секретари Муқаддас Мунавварова, унинг дугоналари Дилбар Усмонова, Анорхон Ҳасанова, Гулнор Абдумаликова сингари қизлар! Уларнинг бири биридан ғайратли, бири биридан чаққон. Мана, Дилбарни олиб кўрайлик. У ўрта мактабни битиргач, ҳеч иккиланмай, тўппа-тўғри механизаторлар тайёрлайдиган курсга бориб ўқишга кирди. Орадан ярим йил ўтгач, ўз қадрдон колхозига механизатор бўлиб қайтди. Мана, эндиликда ҳамманинг ҳавасини келтириб, машинада пахта тераяпти.

Дилбар дугоналари билан мусобақалашиб ишлаб йиғим-терим кунларида ҳаммани қойил қолдирди. Мавсумда 100 тоннага яқин «оқ олтин» терди. У мана шу қувончли кунларда, пахтамиз тўрт миллионга етган, пахта байрами яқинлашаётган тантанали дамларда қолган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда ҳам актив қатнашмоқда.

Комсомол ташкилотининг секретари ёшларга раҳбарликни ҳам, машинада пахта теришни ҳам яхши бажараяпти.

Беш йилликнинг биринчи йилида пахта ҳосилдорлигини анча оширишга аҳд қилган Ўрта Чирчиқдаги Терешкова номли колхозда ана шундай оташ қалбли, сергайрат, серҳиммат, қизлар кўп. Хўжалик пахтакорлари йиллик планни аллақачон бажариб қўйдилар. Бунда етти капитан қизнинг қўшган ҳиссаси озмунча эмас. Улар бизнинг терган бу пахта республикамизнинг 4 миллионли хирмонига кичик бир улушимиз бўлади, демоқдалар.

З. ОТАХОНОВ.



ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ВА КУЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 1966 ЙИЛ 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик шудгор	Мавсум бошидан бери
КАЛИНИН	0,17	119,58	6,0	60,4
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,40	115,94	10,9	59,6
ОҚҚУРҒОН	0,07	113,37	5,2	43,8
ОРЖОНИКИДЗЕ	0,31	109,97	0,6	28,4
БУКА	0,21	109,37	1,1	7,6
ЎРТА ЧИРЧИҚ	0,16	108,21	1,5	18,3
ЯНГИЙЎЛ	0,21	106,01	3,8	20,1
БЕКОБОД	0,23	105,40	1,0	6,6
ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА	0,19	109,23	3,4	27,1

МАШИНА ҚАНОТ БАҒИШЛАДИ

ДАСТЛАБКИ чаноқларда очилган пахта терилаётган кунларда Бўка районида биринчи қизил карвон ташкил этилди. «Оқ олтин» ортган колхозимиз прицеплари заводга карвонбоши бўлиб йўл олди. Ана шунда деҳқонларимиз қўлидаги қизил байроққа «22 иш кунида маррага етамиз» деган юрак сўзи битиб қўйилган эди.

Деҳқонларимиз ўз аҳдларининг уддасидан чиқиш йўлида астойдил бел боғладилар. Ер ҳайдашда, чигит экишда, гўза парваришида жонкуярлик билан, ақл-идрок, тадбиркорлик билан меҳнат қилган азамат кишилар пахта йиғим-теримида ўн чандон ортиқ ғайратга миндилар. Пешона тери, юрак қўри билан етиштирган «оқ олтин»ларининг бирон миқолини ҳам нобуд қилмасдан, ёғин-сочинга қолдирмасдан ер қуруқ, кун иссиқ дамларда йиғиб-териб олиш учун барча зарур чораларни кўрдилар.

Колхозимиз аъзолари илгариги йиллардаги тажрибаларига суяниб, гўза баргларини қулай муддатларда сифатли тўқтиришди, барча майдонларда терим машиналарини бетўхтов ишлатди.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти ўша кезларда ҳамқишлоқларга мурожаат қилди. Миллий ифтиҳоримиз, бойлигимиз, тинчлигимиз пахта учун, уни тез ва соз териб олиш учун курашга чақирди. Кўпмингкилограммчи теримчилар ҳаракати авж олиб кетди. «Зангори кема» капитанлари сафига янги куч келиб қўшила бошлади. Илгари машина ҳайдаб юрган шоферлар, тракторчилар, эл-юрт чақириғига лаббай деб жавоб бердилар.

Оз фурсат ўтмаёқ пахта майдонларида ишлаётган терим машиналарининг сони 45 тага етказилди. Бизга мададкор бўлган, қанот бағишлаган ана шу қудратли куч ёрдамида йиғим-теримнинг қизғин кунларида колхоз бўйича кунига 5—6 процентданга етказиб пахта тайёрлашга эришабошладик. Ҳаммамизнинг фикри-ёди ваъдага вафо қилишда — биринчи қизил карвон тантанаси куни ўртага ташланган шиор асосида 22 иш кунида йиллик планни ортиги билан бажариб, ғалаба рапортига ёруғ юз билан имзо чекишда эди.

Шундай кун келди. Бу зафар кунида марди-майдон механизаторларимиз ғолиб келдилар. Она-Ватанга 3400 тоннадан зиёд «Ленин йўли» колхози «оқ олтин»ини ҳадя этиб маррага етди. Топширилган ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортларга қабул қилинди.

Бугунги кунда шуни қувонч билан айтамизки, эндиликда пахта йиғим-теримидек оғир меҳнат деҳқонларимиз елкасидан аста-секин улоқтириб ташланмоқда. Планда белгиланган 1800 ўрнига 2300 тонна пахта «зангори кема»лар бункерларидан тўкилганлиги бунй равшан кўрсатиб турибди.

Районимиз пахтакорлари катта зафар қучилган, жонажон республикамизда 4 миллион тонна пахта тайёр бўлган шу зўр шодиёна бошланган, каттадан-кичик ҳаммамизнинг қалбимиз хурсандчилик билан тўлиб-тошган мана шу дамларда пахта майдонларида ғайрат-шижоат кўрсатган қаҳрамон механик-ҳайдовчиларимизнинг номларини яна бир бор ифтиҳор билан тилга оламиз. Жияншо Ҳайдаров, Муҳит Мамедов, Мусо Исаев, Халил Алиқуловларнинг ҳар бири ўз агрегатлари билан 70—110 тоннадан пахта териб бердилар. Ўрта Чирчиқдаги «Тошкент» наслчилик совхозининг звено бошлиғи, комбайнчи ўртоқ Абдурашид Тошматовнинг ташаббусига қўшилган шоферлардан Эргаш Худойқулов, Шариф Абдуҳолиқов ўртоқлар 65—70 тоннадан «оқ олтин» тўқдилар. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти эл-юртнинг раҳматига сазовор бўлган ана шу моҳир механизаторларимизга чин юракдан ташаккур билдиради. Кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилиб мавсумда 5—6 тоннадан пахта терган Х. Каримова, О. Лутфиева ўртоқлар каби ўнлаб опасингилларимизга, ўз прицеплари билан қабул пунктига 270—330 тоннадан пахта элтиб берган Ўрмон Гулмамедов, Раҳмат Мавлонов, Раим Ҳамдиев, Олимжон Норматов ўртоқлар сингари жонкуяр механизаторларга минг-минглаб раҳмат айтади.

Бугун республикамиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб тантана қилаётган эканлар, бу зафар байрами колхозимиз аъзолари қалбини чексиз қувончларга тўлдирмоқда, келгуси йил мўл ҳосили учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш учун курашга отлантирмоқда.

И. БУРИХЎЖАЕВ,
«Ленин йўли» колхозининг раиси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРКМАНИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ҚАРДОШЛАРИМИЗ

Туркман қардошларимиз дўстлик муҳаббатингиз
Аму-дай тўлқинланиб жўшди-ю, бизга тошди.
Қадимий замонлардан меҳр-садоқатингиз
Қаримас қуёш каби нур бўлиб яна ошди.

Ўзбек чаманзоридан гулдасталар кўтариб
Соғиниб қадрдонлар, нутгани чиқдим пешвоз.
Ташриф буюрганингиз севинчларни орттириб
Бизнинг овозлар билан қўшилгандай янгроқ соз.

Тинчлик замонасининг нашидаси шундани,
Кўриваганлар кўришар майин табассум билан.
Инсоннинг дўстлигини куйлагандай Руданий
Жамолу, намолларга саломим удум билан.

Ленин назар ташлаган Осиё халқларимиз,
Советлар Шарқидаги озод асл инсонлар.
Меҳнатда ва ижодда бирга тилакларимиз,
Зилзилами — тўфонда мададкор меҳрибонлар.

Тошкентдан кўринади Ашхабоднинг жамоли
Маянинг қўшиқларин бунда тинглаймиз шодон.
Санъат юлдузларидан Аннагулнинг иқболи
Бизнинг Ҳалима, булбулларнамо хушхон.

Санъат билан кўзимиз, онгимиз доим равшан
Дўстлик қучоғин Сизга чиндан очдик марҳабо!

Тошкент-у, Ўзбекистон қишида ҳам гул, гулшан
Бунда куйингиз тинглаб қувонамиз дилрабо.

Экранларда кўрганмиз, маҳоратга балли деб,
Кўзни очиб юмгунча капалак қувган каби.
Яна нўрмоқ орзуси ҳавас эди, чин насиб
Бир туғишганлар каби туркман —ўзбек дил-лаби,

Сизни она-ўлкамиз ҳар томони кутади,
Пахта тўйларимизда давра тўри Сизники.
Андижоннинг боғлари гулдасталар тутади,
Бахту-саодат бизда йигитники-қизники.

Туркман қардошларимиз дўстлик муҳаббатингиз,
Аму-дай тўлқинланиб, жўшди-ю, яна тошди.
Қадимий замонлардан меҳр-садоқатингиз
Қаримас қуёш каби севинчдан яна ошди.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ДЕКАДА қатнашчилари Иўлдош шаҳар Сергелини бориб кўришди. Суратда: туркманистонлик меҳмонлар ҳарбий бинокорлар билан суҳбатлашишмоқда.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Модалар уйида

Енгил саноат министрлигига қарашли республика модалар уйининг ходимлари қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўрдилар. Бу ерда қишки пальто, эркак ва аёллар учун костюм ҳамда кўйлакларнинг янги-янги нусхалари тайёрланаяпти. В. Посилляева, Е. Чоканцева, О. Силяревская каби рассомлар ёшлар учун костюм, плашч, уйлик ва кўчалик костюмлар, пальтоларнинг бир неча янги хилларини яратдилар. Умуман олганда бу ерда йилига 1500 янги мода яратилади. Улардан 800 дан кўпроғи оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланган бўлади.

Янги газлама

«Юлдуз» фирмаси турли-туман газмоллардан костюмлар, кўйлаклар ва пальтолар тикиб аҳолини хурсанд қилаяпти. Фирма тикаётган жуда кўп кийимлар синтетик газламалардан тайёрланади. Яқинда улар қаторига элант деб аталувчи янги газлама ҳам қўшилди. Бу газлама гижимланмайди, ювилганда кириши кетмайди. Ундан доғларни осонгина кетказиш мумкин. Элантдан тикилган кийимликлар арзон туради. Тез орада фирма ана шу янги материалдан костюмлар тикишни ўзлаштиради. Бу костюмлар ҳозирги замон мода талабларига жавоб берадиган қилиб тикилади.

Фирмада Чехословакиядан келтирилган «Миневра» тикув машиналари синаб кўрилди. 1970 йилга бориб бундай машиналар фирмадаги барча эски тикув машиналарининг ўрнини эгаллайди.

Фирмада яна бир янгилик. Венгриядан автоматик пресслар келтирилди. Улар ёрдамида костюмларни жуда тез дазмоллаш мумкин. Бунда дазмолчиларнинг меҳнат унумдорлиги анча ортади.

Наташа Кучинская. Гимнастика оламида балқиб чиққан бу 17 яшар қиз ўз маҳорати билан ҳаммани ҳайратда қолдирмоқда. У гимнастика мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, СССР нинг абсолют чемпиони бўлди, терма команда составида қатнашиб жаҳон чемпиони бўлди. Эртага бу машҳур спортчи тошкентлик томошабинлар олдида маҳоратини намойиш этади.

Б. Мазор фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАРТКОМ

ОЧЕРК

Кўпдан дилга жо бўлиб келган орзу ушаладиган кунлар тобора яқинлашиб келяпти. Э, ҳе, ҳали кўрасиз. Орадан кўп фурсат ўтмай, рўбарўдаги бинонинг ички-ташқига сайқал бериш ҳам қўлдан чиқади. У бутун салобати билан қад кўтариб, қишлоқнинг кўркига кўрк, файзига ўн чандон файз қўшиб юборади. Шу кенг асфальт йўлнинг икки томонида бир текис саф тортган данғиллама ўй-жойлар орасида ўз зиёси билан кўнгилларни ёритиб туради. Баҳор келинчаги чечак очганда кўрсангиз. Бино атрофида хиёбонлар пайдо бўлади. Алвон гуллар гуркираб, чор томонга муаттар бўй уфуради. Хиёбонлар оқшом кезлари сайргоҳга айланади. Катта саҳнадан қишлоқ йигит-қизларининг шўх қўшиқлари, оҳанграбо куй садолари парвоз этади. Лекциялар, кўнгил очар суҳбатлар кези келса ошиқ-маъшуқларнинг қўша-қовишиш тўйлари ҳам мана шу қутлуғ даргоҳда бўлади.

Уста меъморларнинг ўткир дид, синчиковлик билан қилаётган ҳаракатларига зимдан разм солиб турган йигит худди шулар тўғрисида ўйлар, чеҳрасида ўзи билмас табассум кезар, кўзларидан қувонч ёлқинларини ўқиб олиш қийин эмас эди. Ниҳоят у бинодан, меъморлардан нигоҳини узмасдан, ёнидаги ҳамроҳи ранса юзланди:

— Хўш, Ўроз ака, — деди у, — қани, эшитайлик, хушхабар билан севинтирасизми, ё...

— Бўлмасам-чи. Гаплашдим, ҳамма анжомларни янги йилгача тайёрлаб бериладиган бўлишди. Клубнинг калити қўлга теккан куни ҳаммаси муҳайё бўлади-да, ўртоқ партком.

— Ҳа, ана ундан кейин ҳўв ана бу гаплар ҳам унут бўлиб кетади. Ўртоқ Ражабовнинг ўзи ҳам хурсанд бўлади. Партком бу билан институтга имтиҳон топширишга кетган июнь ойларида райком секретарининг ранса икки оғиз гап қилганини эсига солиб қўйди.

— Ҳеч киси йўқ, — деди рис мийғида кулиб. — «Ташаббус бошлаганмиз деб, қурилиш билан бўй кетиб, пахтани унутиб қўйманглар», дедиларда. Огоҳлантириб қўйганлари яхши бўлди. Бироз оғирликни елкага олувдикки, униси ҳам қўлга кирди, бунисн ҳам, — ранс тимқора мўйлабларини силаб, партномга ҳазиломуз гапирди. — Ахир ўртоқ партком, ўшанда қурилишни ташлаб қўйсак, сиздан қутилармидик. Уч-тўрт кун йўқлигимга ишлар чашасига кетиди, деб юрарингиз, — иккисининг ҳам кулгидан чеҳралари ёришиб кетди. Кейин юзига жиддийлик югурган Ўроз ака партномнинг елкасига қўл ташлади-да, деди:

— Муштни мўлжаллаб бир ерга урсак, ҳар бир ишда бирбиримизга маслаҳатдош, суянчиқ бўлсак, дол қолмаймиз, ука.

Раис билан партком идора томон йўл олганларида қуёш зарҳал чодирини йигиштириб, уфққа сирғаниб кетганди. Шу оқшом сеҳрига берилиб, мана ҳозир партком нималар тўғрисида ўйлаб бораяпти? Йил якунларинними, эрта-индин диёр бўйлаб бошланадиган улкан шодиёна — Пахта байрами режаларинними, пахтазорларда жавлон уриб, «зангори кема»лари бункерларидан той-той зар тўккан суворийларнинг қандай кўнглини олиш-у, уларга атаб қўйилган мукофотларнини... Йўқ, булар тўғрисида активлар билан бамаслаҳат бир қарорга келиб қўйилган. Курашда кураги ерга тегмаганларга аталгани тайёр турибди. Ҳозир у бошқа ий, бошқа туйғу билан банд. Инсон тақдири, ёш бир коммунист тақдири юрагида туғён ураяпти. «Сўзининг уддасидан чиқармикин, уялтирмасмикин. Ўзи-ку меҳнаткаш, қалби тоза йигит, шу ишчилик балоси қаердан ёпишди экан унга. Бугун ийига борай. Келин билан бир гаплашиб кўрай...»

Раисчи? У мана шу тобда партком ҳақида ўйларди: юрагида ўти бор, ташкилотчи, қамсухан, қобилиятли, ақли югурук одам. Абдиҳамиднинг колхозга янги келган чоғларини эслайди Ўроз ака. Далада ишлардн, отаснинг суяги ҳам пахтачиликда қотган экан. Ўгит ташиди, сув етаклади, этак тутиб пахта ҳам терди. Кейинчалик маълум бўлдики, у ўрта маълумотли, олти ойлик бухгалтерлик курсини ҳам тамомлаган экан. Идорага ишга олишди. Чорвачилик ишлари бўйича бухгалтер бўлди. Уни идорада кам учратасиз. Ҳали яйловда, ҳали фермада, одамлар орасида.

Бир куни активлар йиғилиб ўтирганида хонага ташвишлироқ кириб келди, гап навбати унга келганда вазмин сўз бошлади:

— Мен бугун молбоқаримиз Ҳожиқул ота билан бирга бўлдим, — деди Абдиҳамид, — ота юрагидаги бор гапни тўкиб ташлади: «Жайдари сигирлардан наф йўқ,» дейди у, зотли мол чорвачиг жони, ахир қачонгача уч-тўрт литрдан сут оламиз. Меҳнати ўққа турсин, емишини қопламайди, бошлиқларга айтинг, бу хашакиларини зотдорларига алмаштириб беришсин, бўлмаса бизни бекорга қойган билан иш чиқмайди», дейди, тўғри айтяпти Ҳожиқул ота.

Раис ҳам, шу ерга йиғилган активлар ҳам отанинг гапини маъқуллашди. Мана ҳозир фермада юздан ортиқ зотли сигир бор. Саккиз-тўққиз литрдан сут бераяпти. Зарар эмас, колхозга нуқул фойда келтираяпти. Ҳа, бу ишда Абдиҳамиднинг ҳам қўли бор.

Мана иккн йилдирки коммунистлар унга ишонч билдириб, партком секретари қилиб сайлашди. Ҳа, янглишганлари йўқ. Одамларга ғамхўр, ишга жонкуяр, кўриниб турибди. Раис бултур баҳорда бўлган воқеани эслади. Абдиҳамид ўшанда очиқ партия йиғилишида комплекс механизациялашган звеноларни кўпайтириш масаласини ўртага ташлади. Баъзилар: «Бу механизаторлар тракторнинг тилини билган билан деҳқончиликнинг рисоласини яхши билишмайди, бригада усулидан қолмайлик» дейишди. Абдиҳамид далиллар билан бу фикрга қарши чиқди:

— Ўтган йили ўн учта звено бормиди? Хўш, қайсибирсиз билан бизни доғда қолдирди. Ҳеч қайсиси. Мана шу ер ўзимники, ҳосилнинг тақдирига мен жавобгарман, ризқи-рўзим шу ердан олинган ҳосилнинг баракасидан, деб кечаю-кундуз жон куйдириб ишлашди. Ҳосил торозига тушганда улоқ ўша звеноларда кетди, шундай эмасми ахир, — партком вазмин сўзларди, — деҳқончиликни билишмаса, колхозимизда уста пахтакорлар бор, асл деҳқонларимиз бор, ўргатишади, йўлга солади.

Кўпчилик Абдиҳамид томонда эди. Ўроз ака ҳам унинг фикрини маъқул кўрганди. Мана, янглиқ голиб келди. Тошкентда семинарда ўқиб тажрибакорлардан ўгит олиб келган қирқ уч механизатор колхоз пахтачилигида истиқбол эшигини катта очиб берди. Колхозда планнигина эмас, мажбуриятнинг ҳам дўндирилишига улкан ҳисса қўшганлар, яқин ҳосилнинг икки минг тоннадан ортиғини пўлат этаклардан тўкканлар ана шу марду майдонлар бўлди.

Ҳа, айтгандай, терим бошланиши арафасида бўлган «жанжал» нима билан тамомланди». Энди раснинг ўйи ана шунга келиб тақалди: Участка бошлиқлари келишиб ранса: «Бизга янги машина сотиб олиб берсангиз», — деб қолишди.

— Устахонада ўн учта ХВС турипти-ку, уларни ишга солсак бўлмайдими, колхознинг қанчадан-қанча пули кетган шу техниканинг қадрига етишимиз лозим. Нега ортиқча чиқим қилиш керак. — Партком ранса қаради, — нима дедингиз Ўроз ака?

— Жуда тўғри. Ана шу машиналардан ҳам фойдаланишимиз керак. Аммо лекин, ХТ турганда қайси механизатор уни минаркин, — раис партномга синовчан назар ташлади. Участка бошлиқларидан Зокир ака, Тожибой акалар ҳам «қани буёғига нима дейсиз» дегандек парткомнинг оғзига тикилишганди.

— Иложи бор, мададкорларимиз бор, — дадил жавоб берди партком, — шоферлар, тракторчилар. Улар билан суҳбатлашдим. «Ўртачирчиқлик Тошматов ташаббусига қўшиламиз», деб истак билдиришди. Ана ўшалар миниишади. Тошматовнинг: «зилзиладан зарар кўрган тошкентлик биродарларимизга кўз тикишимиз инсофдан бўлмайди, одобдан эмас», деган сўзлари уларнинг юрагига борнб етмаган дейсизми?! Бундай вақтда қўл қовуштириб, қараб туришмайди йигитлар...

Мана, энди ана шу ҳаракатнинг меваснни татиб кўришаяпти ҳалиги участка бошлиқлари ҳам. Ҳайитқул, Сайдулла, Мусурмонқулга ўхшаган шофер йигитлар ХВС ни йўғалатиб, ўттизбеш-қирқ тоннадан пахта териб беришди...

Раис билан партком ўз ички кечинмалари билан бўлишиб идорага яқинлашиб қолганларини ҳам сезишмади, шекилли, уларни ўттиз ёшлар чамаси норгул йигит салом билан қарши олди:

— Абдиҳамид ака, — деди у кейин, — сиз билан гаплашмоқчи эдим...

Партком хонасига киришгач, ҳалиги йигит унга икки буклоқлик қоғоз узатди: «Рапорт олиб келувдим» деди қизаринқираб.

— Яхши, қани ўтир, — партком хатга кўз югуртирди. «Колхоз раиси Ўроз Жарқинбоев, партия комитетининг секретари Абдиҳамид Анорбоевга... Гектаридан йигирма олти центнердан бўлди. Қўшимча мажбурият ҳам бажарилди, шудгорни бошлаб юбордик... Звено бошлиғи Бердиёр Чабанов».

— Қутлайман ўртоқ Чабанов, — деди хурсанд партком, — иш деган мана бундай бўптида ука, — кейин у гапни бошқа томонга бурди, — Бердиёр, шу иккаламиз механиккинг уйига бир бориб келсак, тенгқуринг, кўриб келамиз.

Ҳамма гапдан Бердиёрнинг хабари бор эди, шу важдан ўзини тутолмай кулиб юборди:

— Алимбек, бугун биз томонга борди. Тракторларни ўзи кўздан кечирди, ҳаракати чакки эмас. Айтгандай, у менга холис бор гапни айтди: «Партком, дейди у, яхши гап билан елкамни силаб туриб, кўзимни очиб қўйди, ўзим яхши гапнинг қулиман, энди унинг гапини икки қилмайман», дейди. Кейин менган илтимос қилди: «Борсанг, парткомга айт, муҳокама қилишганларини хотиним билмай қўя қолсин, ҳар ҳолда, унинг олдида бошим эгилиб қолмасин оғайни», дейди. Абдиҳамид бу гапларнинг мазини чақиб, бироз хаёлга чўмди. Кейин юзи равшан тортиб деди:

— Майли, Алимбекнинг айтганича бўлсин, қани, кетдик, бир шу ҳаводан баҳра олиб, далаларни айланиб келайлик!..

Улар пахтазор ёқалаб боришарди. Юз-кўзларни ялаб, кеч куз шабадаси елади. Ильич чироғлари нур сочиб турган қишлоқ томондан дилрабо қўшиқ садолари оқиб келади. Нақадар мусаффо дала ҳавоси.

Бердиёр сукут сақлаб борарди. Ҳа, у бундан беш-олти ой илгари ҳам партком билан мана шу ёлғизоёқ йўлдан юрган. Ўшанда ҳижолатдан сукутда эди. Ҳозир-чи, хурсандчиликдан.

Ўша кезлари Бердиёр ишга кеч чиқиб, эрта қайтадиган бўлиб қолди. Ерга ўзинг хўжайинсан, деган ишонч уни талтайтириб юборди чоғи. Ғўзаларни ўт босиб, касалга чалинай деб қолди. Ана шунда участка бошлиғи Умар ака Бердиёрни парткомнинг ёнига бошлаб келди. Партком-чи, бир нима демади-ю, Бердиёр билан бирга далага йўл олди.

Каттадан-кичик бирдай ишга ёпирилган эди. Бир томонда ўтга қарши кураш, бир томонда сувчилар жонсарак. Чанқоқ ниҳолларга обиҳаёт оқизилаяпти. Звено бошлиқлари рулда, фикри-хаёли ғўзада. Бердиёр-чи?

— Кўраяпсанми, ука, — деди шунда партком. — Ахир уларнинг сендан нима камлиги бор. Улар ҳаммадан олдин пахтани дейишади. Ўйлаб кўр, ош-нонинг шу пахтадан бўлса, усти-бошинг, бойлигинг, қолаверса тинчлигинг шу пахтадан бўлса, унинг меҳнатидан юз ўгириш нон тепкилик эмасми? Тоғни урсанг талқон қиладиган вақтинг. Партия йиғилишида сенга ишонч билдирдик, звенога бош қилдик, шуми оқибат? Тенгқурларингга қара, Турғун билан Нуриддиннинг ишига разм сол. Чинакам коммунист деб шуларни айтишади. Тер тўкишаяпти, пахтага меҳрини бағишлашаяпти. Сен бўлсанг...

— Ёмон эзди...

— Нима дединг? — Бердиёрнинг оғзидан тўсатдан учган бу сўз парткомнинг эътиборини унга қаратди.

— Шундай, ўзим. Ёздаги гаплар эсимга тушиб кетди.

— Ҳа, уми, — қулди партком, — ўтган ишга салавот. Сен энди бошқа одамсан, хатосини пешана тери билан ювган асл пахтакорсан, ука.

Бердиёр янада енгил тортиб кетди. Парткомга аллақандай меҳр билан боқаркан сўради:

— Абдиҳамид ака, чалғу асбоблари олиндими, тўғарак қачон иш бошлайди?

— Олинди ука, спорт анжомлари, биллиард, ҳаммаси бўлади. Хомчўт қилиб кўрдик. Бир иш кунига беш сўмдан ортиқ тўғри келяпти. Бўлинмас фондимиз ҳам шунга қараб бойиди.

Улар суҳбат билан бўлиб дала шийпонига ҳам етиб келишди. Шудгор қилаётганлар, кўрак чувиш машинасининг қаҳрамонлари шу ерга йиғилишибди. Кун бўйи меҳнатдан кейин бир-бир ичаётган чой ичиб, ширин суҳбат гаштини суришяпти. Бай-бай-бай. Ана у қозондан ҳозиргина дамланган паловнинг иштаҳа очувчи бўйи анқиб турибди. Партком йиғилганлар билан «ҳорма-бор бўл» қилишгач, деди:

— Шу суҳбатга раснси ҳам чақирсак, зап иш бўларканда, эртанги режаларни ҳам бир ўўла гаплашиб олардик.

— Кўнгилдаги гапни айтдингиз. — Бердиёр шундай деди-ю, телефонни бураб раснси сўради.

Усмон ЖОНГИТОВ,
Бўка, Ильич номли колхоз.

Суратда: партком секретари Абдиҳамид АНОРБОЕВ.

ЛАЪНАТИ УРУШ!

САН—ХОСЕ. Америка армиясининг солдати, Коста—Рикалик Анибаль Сантоснинг Вьетнамдан юборган хатида бундай дейилади: «Вьетнамдагн уруш тасаввур қилиш мумкин бўлган урушларнинг энг даҳшатлисидир. Мени энг шафқатсиз ва ёвуз воситалар билан одамларни ўлдиришга мажбур қилмоқдалар. Биринчи ҳафтада мен аҳлдан озиб қолсам керак, деб ўйлаган эдим. Бироқ офицерлар одамларни қандай ўлдириш кераклигини кўрсатиб мени ҳам шундай қилишга мажбур этдилар. Денгиз пиёда қўшинларининг солдатлари ўзлари ўлдирган одамларнинг қулоқларини кесиб олиб тўплаб қўймоқдалар. Мен ҳам энди шундай қила бошладим. Ҳозир менга бу иш оддий нарса бўлиб қолди».

«Бу урушда ютиб чиқиш мумкинлигини тасаввур қилолмайман. Ахир бир кун бу ердан чиқиб кетиш ва мана шундай лаънати урушда қатнашганлигимни унутиш йўлини топсам керак, деган умиддаман», дейилади Анибаль Сантос хатининг охирида. Бу хат Коста—Ринадаги «Либертад» газетасида босилиб чиқди.

Жуда катта таассурот

ЛАГОС, 14 ноябрь. (ТАСС). Нигерия соғлиқни сақлаш федерал министрлигининг бош медицина мутахассиси Кофоворола Пратт хоним жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Совет Иттифоқида ташкил этилган семинарда қатнашиб, Нигерияга қайтиб келганидан кейин матбуот вакиллари билан суҳбатда бундай деди:

«Совет Иттифоқида соғлиқни сақлаш ишларининг ташкил этилганлиги менда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳар қандай узоқ райондаги қишлоқнинг аҳолиси ҳам, ҳамма вақт малакали медицина ёрдами олиши мумкин».

«Москвадаги семинар, деди пировардида К. Пратт, Совет Иттифоқининг медицина муассасалари билан танишиб чиқишимга имкон берди ва Совет Иттифоқидаги ҳамкасбларимизнинг иш тажрибаларини Нигериядаги соғлиқни сақлаш ходимларига ўргатишга муваффақ бўлурман» деган умиддаман».

«ЯНКИЛАР, ЮРТЛАРИНГГА ЖЎНА!»

ПАРИЖ, Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабарида бундай дейилади: Анқарада Америкага қаршн катта намойиш ўтказилди, намойиш қатнашчилари Америка объектларн қурилишида ишлаб туриб, гайри қонуний равишда бўшатиб юборилган ишчиларни яна ишга қайтариб олишни талаб қилдилар.

Намойишчилар «Янкилар, юртларингга жўна!» деб қайта-қайта такрорлаб, АҚШнинг чет эллардаги информация агентлиги бўлими биноси олдида тўпланишди. Полиция билан бўлган тўқнашув натижасида 15 киши жароҳатланди, 50 дан кўпроқ киши қамоққа олинди.

ЗАМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН, 14 ноябрь. (ТАСС). Замбия президенти Кеннет Каунда Замбия билан Родезияни бир бирига боғлаб турган темир йўлга шу ниқи мамлакатнинг бирлашинда хўжайинлик қилишини тутатиш тўғрисида Жанубий Родезиядаги Смит ҳукумати билан музокаралар бошлашни Англиядан талаб қилди. Рейтер агентлиги мухбирининг Лусакадан берган хабарида айтилишича, Каунда чет мамлакатларга сафар қилиш учун учиб кетиш пайтида шу гапни айтган. Шу сафар вақтида Каунда АҚШга, Канадага ва бошқа бир қанча мамлакатларга боради.

ҲИНДИСТОНДА ТАБИИЙ ОФАТ

ДЕҲЛИ. Мадрас штатида (Жанубий Ҳиндистон) бошланган сув тошқини натижасида 28 киши ҳалок бўлди. Франс Пресс агентлигининг хабарида, айтилишича, тинмай ёғиб ёғиш натижасида Қойимбатор районида (Мадрас шаҳрининг 500 километр чамаси ғарбижанубда) Алёр дарёси тошиб, бир неча қишлоқни сув босган.

Редактор — А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00—Улкангни ўрган (мактаб ўқувчилари учун), 17.45—Телевизион янгиликлар.

18.00—«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Москва) командалари ўртасида футбол, танаффус вақтида—Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 19.45—Ҳаётга йўл (телеспектаклнинг 2-серияси).

21.00 дан—Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Қурбаға малина (болалар учун мультфильм), 17.45—Тошкент янгиликлари, 17.55— Музикали танаффус, 18.35—Телеспектакль.

20.05—Эртаги кун программаси.

Ўзбек тилида: 20.10—Ҳужжатли фильм, 21.00—Тошкент янгиликлари, 21.10— Ўзбекистонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси. Туркман куйлари, 21.50 —Қизлар (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—16/XI да Дилорам, 17/XI да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—16/XI да Парвона (билетлар сотилган), 17/XI да Алишер Навоий.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА («ШАПИТО»)—Йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи Иван Рубан, Ўзбек цирк коллективи ва қизиқчилар группаси.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

Ўзбекистонда Туркманистон адабиёти ва санъати декадаси

17, 18 ноябрда

эстрада КОНЦЕРТЛАРИ

Концертларда: Туркманистон ССР Радио ва телевидение оркестри ва Ашхобод эстрада группаси, эстрада оркестрининг бадиий раҳбари — СССР халқ артисти, композитор Вели Мухатов, музика раҳбари—Қувонч Хўжаев, эстрада группасининг бадиий раҳбари—Туркманистон ССР халқ артисти Хўжов Аннатурдиев, Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Маҳбуба Тошлиева, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Баҳром Мавлонов, солистлардан Римма Рўзиева, Гулжон Хуммедова, Мурод Димонаев, Мурод Содиқов, Мами Чориев, Тамара Юсупова, Нурёғди Байрамов, Аннаберди Аттанов, Алекбер Тухватуллинлар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида соат 12 дан сотилади.

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА

Самарқанд давлат опера ва балет театри солистлари Флора Ҳанимова ва Абдурашид Эргашев гастроли

16 ноябрда

Ашрафий

ДИЛОРОМ

4 пардали опера.

18 ноябрда

Ҳамза Ҳакимзода номидаги республика мукофоти билан тақдирланган Р. Ҳамроев музикаси

ЗУЛМАТДАН ЗИЁ

3 пардали опера.

Спектакллар кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«Южуралэлектромонтаж» трестининг

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ПОЕЗДИГА

электромонтёрлар, слесарлар, юкчилар, бадиий бўёқчилар, омборчилар, қоровул

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор, «Россия» шаҳарчаси. Телефон 7-13-62.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 14078.
ИНДЕКС 64970.
Г. 1246.